IV асрнинг бошларида Хиндистон бир неча ўнлаб майда ва йирикрок давлатлардан иборат бўлиб, бу давлатлар тепасида кичик-кичик подшолар-рожалар турар эди, улар хукмрон табакаларга-брахманлар табакасига (кохинларга) ва кшатрийлар табакасига (харбий зодагонларга) суянар эдилар. 320 йилда шимолий Хиндистоннинг шундай рожаларидан бири Чандрагупта I (320-340) теварак-атрофидаги подшоларни ўзига бўйсундириб, Ганг дарёси хавзасида хийла катта бир давлат тузди, бу далат Гупта давлати деб аталиб, VI асрнинг бошларида яшади. Чандрагупта I нинг ворислари замонида,-улардан айникса Самудрагупта (340-380) ва Чандрагупта II (380-414) ўзларининг истилолари билан маххур эдилар,- Гупта давлати Ганг дарёсининг куйи окимини хам, то унинг денгизига куйиладиган жойигача, шунингдек, Декан ясси тогларининг бир кисмида то Нарбат дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олар эди. Гупта давлатининг пойтахти Паталипутра шахри эди.
Гупта подшолари Сосонийлар Эрони билан кизгин кизгин савдо-сотик олиб борди ва маданий алока килди. Улар Хиндистоннинг шимолий чегараларини Ўрта Осиёлик кабилаларнинг хужум хавфидан узок вактгача саклади. Гупта даврида Хиндистон иктисодиё ва маданий жихатидан жуда юксалди. Хозирги Хиндистонда энг кенг таркалган Хиндуизм динининг вужудга келиши хам ўша давр билан богланганди.
Гупта даврида Хиндистоннинг ижтимоий тузуми асосан хали кулдорлик характерини саклаб колган эди. Куллар турли ирригация ва курилиш ишларида, кишлок хўжалигида хамда кўпдан-кўп хизматкор ва малай сифатида уй-рўзгор ишларида кенг фойдаланилар эди. Куллар Осиёдангина эмас. хаттоки Африкадан хам келтирилар эди. Хинд жамиятида кулдорликка хос аломатларнинг мавжудлиги ахолининг касталарга (табакаларга) караб бўлинишида хам намоён бўлган эди. Бу бўлиниш Гупта даврида хам сакланиб, янада ривожланмокда эди. Кадимий касталарнинг тўрта асосий тури-брахманлар (кохинлар), кшатрийлар (жангчилар0, вайшиялар (дехконлар, хунармандлар, савдогарлар) ва шудралар (собик кулларнинг ва хар тоифадаги карам кишиларнинг энг паст табакаси бўлиб, булар киши хазар киладиган ишларни бажарувчи кишилар эди)кхали жуда кадим замонларда таркиб топган Хинд жамияти социал структурасининг турли боскичларни ифода этади. Ўрта асрнинг бошларида хинд касталари анча эволюционлашди, Брахманлар ва кшатриялар кохин ва харбий табакаларга айланиб кетдилар, давлат хокимияти уларнинг кўлида эди, шу билан бирга улар жуда кўп куллари бўлган энг йирик ер эгалари эдилар. Иккинчи бир ўртача ва паст даражадаги касталар вакт ўтиши билан майдалашиб бордилар. Гупта даврида касталарнинг микдори бир неча ўн турдан ошди. Жамиятнинг шудрага оид энг тубан кастаси «хазарли кишилар» деб аталар эди, чунки улар олий каста вакилларига якинлашса, бу олий зотларнинг гўё харом килади деб хисобланар эди.
Энг паст касталарнинг хак-хукуксизлиги, хўрланиши, кулдорлик тузумининг идеологиясини энг ёркин ифодаси эди, кулдорлик тузуми даврида кишилар бир томондан, тўла хукукли, эркин кулдор хукмронларга, иккинчи томондан, бутунлай хак-хукусиз, хўрланган, задаланган кулларга ёки шуларга ўхшаб кетадиган кишиларга бўлинар эди.
Аммо Хиндистондаги кулдорлик тузумининг яна бир характерли хусусияти шу эдики, ривожланган кулдорчилик ва эксплуатациянинг кулдорлик системаси билан бир каторда гоят катта иктисодий ахамиятга эга бўлган жамоа жехкончилиги хам доим мавжуд

ўблиб, яшаб келмокда эди. Кишлок жамоаси кулдорлик тузуми даврида хам, кейинчалик бориб, феодализм даврида хам хинд жамиятининг -уйи социал-иктисодий ячейкаси бўлиб хизмат килди, бу жамият шу ячейка устига курилган эди. Хиндистоннинг ижтимоий хаётида кишлок жамоасининг ахамиятини кичкина-кичкина марказлари ташкил килиб, шу марказлар саноат билан кишлок хўжалиги ўртасидаги хонаки алока асосида яшайди. Хар бир кишлокнинг маълум микдорда экинзор ери ва яйлови бор эди. Хар бир кишлокнинг тепасида оксокол ва яна бир неча мансабдор кишилар турар эди. Кишлок жамоаси бир неча ёки бир неча юз оиладан иборат бўлиб, хунармандликнинг кишлок хўлиги билан кўшилишига асосланган бошлангич ишлаб чикариш ячейкасини ташкил килар эди. Бу оилада жамоалар хонаки саноатга асосланган бўлиб, унда кўлда тўкиш, кўлда йигириш, кўл кучи билан ер ишлаш усулига алохида бир тарзда бир-бирига кўшилиб кетган эди,-бундай кўшилиш бу жамоаларнинг хар кайсисини ўзига мустакил тусга киритиб кўйган эди. Гупта подшоларнинг иктисодий кудрати биринчи навбатда худди анашу бехисоб дехкон жамоаларини эксплуатация килишга асосланган эди. Бирок Гупта даври кулдорлик системасининг тушкунликка юз тута бошлаганлиги билан тавсифланади. Кулдорлик тузуми элементлари ташкил топаётган эди. /арбий Европа ва Араб халифалиги мамлакатларида кўрганимиздек, феодал жамиятнинг негизи бўлган жуда кўп сонли жамоа дехкончилигининг мавжудлиги хинд жамиятига кулдорлик тузмидан феодал тузумига ўтишни енгилаштирди. Гупта даврида кулчилик тугатилиб, феодализм тугила бошлаганлигини бир канча фактларда кўриш мумкин. Куллар тезктез эркин кўйиб юбориладиган ва муайян хизматларни ўташ шарти билан уларга унча катта бўлмаган ер участкалари ажратиб бериладиган бўлди. Подшо хўжалигидаги ерларнинг хаммасида хам куллар ишламас эди, бу ерларнинг талай кисми хосилнинг бир кисмини подшо хўжалигига топшириш шарти билан ижарага берилар эди. Майда ижарачиликка ўтилишига сабаб манбаларнинг кўрсатишича, кулларнинг етишмаслиги эди. Шу билан бир вактда кишлок жамоасининг ўз ичида мухим процесслар юз бермокда эди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ўсиши ва ишлаб чикариш куролларининг такомиллашиши натижасида кичикрок оиланинг кучи билан хам хўжалик юритиш мумкин бўлиб колди. Катта оилалар майда-майда оилаларга бўлиниб кетди, катта оилага карашли чек ерлар хам парчаланиб кетди, бунда тўнгич ўгилга укаларига караганда ер кўпрок ажратиб берилар эди. Оддий жамоачиларнинг бир кисми хонавайрон бўлиб, жамоанинг анча бойрок аъзоларига карам холига тушиб колар эди, буларнинг жуда кўп мол хайвонлари ва мехнат куроллари бўлиб, хонавайрон бўлган жамоачиларни эксплуатация килар эди. Буларнинг хаммаси окибат натижада феодал карамлиги муносабатларининг ўрнатилишига олиб келар эди.

Гупта давлати даврида маданият аввало, классик монументал архитектуранинг ривожланиши билан тавсифланади, бу даврда жуда кўп ибодатхона ва саройлар курилган эди. гупта даврида курилган биноларнинг кўпи кейинчалик хорижий истилочиларнинг Хиндистонга килган хужумлари натижасида вайрон килиб ташланган эди. лекин хар холда ўша даврдан сакланиб, колган баъзи бир биноларга караб, уларни жуда мохирлик билан курилганлиги тўгрисида тасаввур хосил килиш мумкин. Масалан, бахайбат яхлит тошларнинг ичини гор килиб ўйиб ишланган Эллара ва Ажанта ибодатхоналар ичида кадимий хинд ва будда афсоналаридан олиб ишланган хайкаллар бенихоя кўп бўлиб, буларда кишиларнинг фигуралари ифода этилган. Бу фигуралар ўзининг гўзаллиги ва улугворлиги билан кишини хайратда колдиради. Ибодатхона деворлари хилма-хил суратлар билан безатилган. Гупта давридаги рассомлар ва

усталар, металлга пардоз беришда юксак санъат чўккиларини эгалладилар. Бизнинг эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва  V асрнинг  бошларида куйма темирдан ишланган устун хозирга кадар Дехлида сакланиб келмокда, у карийб бир ярим минг йил давомида очикликда жазирама куёш ва ёмгирлар остида колиб кетганлигига карамай, уни хатто занг хам босмаган.

Гупта даврида хинд фани катта муваффакиятларга эришди. Бир канча хинд мунажжим (астроном)ининг номи Хиндистондагина эмас, унинг ташкарисидаям машхур эди. Булар орасида  V-VI асрларда яшаган, грек фани ва астрономияси билан таниш бўлган Арьябхата, Варахамихира ва Брахмагупта айникса ажралиб туради. Хиндистонда бу даврда тиббиёт, айникса ўткгиёхлар билан даволаш жуда ривож топган эди.

Адабиёт, поэзия ва драма сохасида Гупта даври ўзидан кейинги кўпгина авлодлар учун таклиф бўлиб хизмат киладиган жуда юксак намуналарини колдирди. IV аср охири ва  V асрнинг биринчи ярмида  ўтган гениал хинд ноири Калидасанинг асарлари айникса катта ахамиятга эга бўлган. Калидаса кахрамонлик темаларидан бир нечта достон хамда мифологик ва тарихий  мавзуларда  кўп драмалар ёзди. «Олкишланган Шакунтала» драмаси айникса катта донг козонди, бу асарда нихоятда назокатли ва шу билан бир вактда  ўз йўлида жуда огир машакатли тўсикларни енга олган жўшкин  жасоратли оддий хинд аёлининг  ажойиб образи берилган. Бу асар /арбий Европага 1789 йилда маълум бўлиши биланок кадимий хинд адабиётига жуда катта кизикиш уйготди. Калидаса ўз кашрамонларини  кисман классик китоб тилида-санскритда, кисман турли махаллий лахжаларда гапиртиради, бу эса ўша даврдаги Хиндистон ахолисининг этник жихатидан хилма-хил бўлганини кўрсатади. Калидасанининг асарлари хозирги вактда дунёдаги асосий тилларнинг хаммаси таржима килинган.

Гупта замонида хиндларнинг хукмрон дини брахманизм бўлиб, бу дин учта асосий худо-Брахма, Вишну ва Шива бор деб таълим бериш билан бирга жуда кўп бошка худолар хам бор эди; бу худолар табиат кучларининг барча турли-туман форма ва кўринишларининг ифодаси эди, одамлар, хайвонлар, ўсимликлар, хар хил жонсиз нарсалар-санамлар ва хаказолар илохийлаштирилар эди. Брахманизмнинг дабдабали маросимлари ва укчли кохинлари бўлиб, бу кохинлар наслдан-наслга ўтадиган алохида бир табака эди. Бирок брахманизм билан бир каторда унинг ўз ичида  бошка бир дин-буддизм хам пайдо бўлиб, кўп тарафдор ортирди (бу дин эрамиздан олдинги V асрдаёк пайдо бўлган эди). Бир вактлар буддизм энг кадимги дин бўлмиш брахманлар динини  хатто енгаётгандек хам бўлиб кўринар эди. Гупта подшоларининг кўпи буддизмга  хомийлик килди. Бирок, пировардига, брахманизм енгиб чикди, лекин шу билан бирга у янги тус-хиндуизм тусини олди. VI  ва VII  асрларда узил-кесил  ташкил топган хиндуизм ўзининг  кўпдан-кўп эски мажусий худоларини батамом саклаб колди. Лекин шу билан бирга у, буддизмдаги  диний  диний фалсафасининг баъзи элементларини, унинг ёмонликка каршилик килмаслик, тарки дунё килиш, киши ўлгандан кейин жоннинг бошка нарсага ўтишига ишониш ва х.золар тўгрисидаги таълимотини хам ўзига сингдириб олди. Буддизм дини Хиндистон ташкарисида- Хитой, Хинди-Хитойда, Индонезия, шунингдек Мўгилистонда, Тибетда ва кисман Ўрта Осиёда  (Туркистонда) кенг таркалди. Хиндистоннинг ўзида буддистлар хийла оз колди.

Гупта давлати VI асрнинг бошларига келиб тугади. У V асрдаёк тушкунликка  учрай бошлаган бўлиб, бунинг асосий сабаби мехнаткаш омма ахволининг огирлиги эди. Хукмрон сифнлар хаддан ташкари зеб-зийнат ичида яшади; дехконларга огир соликлар солинди, улар ўзлари етиштирган хосилнинг кўп кисмини соликка тўлашга  мажбур эди;

ахоли давлат фойдасига узлуксиз равишда турли хил ишларни бажаришга мажбур килинди. мана шуларнинг хаммаси хинд дехконларининг холдан кетказди ва кишлок жамоалари экономикасини вайрон килди. Мехнаткашлар ўртасида норозилик тугилагнлиги аломатлари Гупта замонидан колган адабий ёдгорликларда кўп учрайди. Гупта подшолигига узил-кесил зарба берган нарса кўчманчи эфталитлар, яъни ок гуннларнинг бостириб кириши бўлди, улар V асрнинг охири VI асрнинг бошларида Шимолий чегарани ёриб ўтиб, Шимолий Хиндистоннинг кўпига шахар ва кишлокларнинг нихоятда вайрон ва хароб килиб ташланди. 530 йилда ок гуннлар подшо Гуптанинг вассали рожа Ясодхарма томонидан тор-мор килинди.

Гуннларни енгандан кейин, Ясодхарма Гупта династиясига итоат килишдан бош тортиб, ўзи махарожа унвонини олди. Лекин унга Гупта давлати территориясининг факат бир кисмигина буйсунди.

VII асрнинг бошларида Харша (606-647) давлати бирмунча вактгача юксалиб борди. Харша Канаужа князлигининг рожаси эди, чўнгра у бутун Шимолий Хиндистонни ўзига бўйсундирди. Харша давлати ганг дарёси водийси бўйлаб Шаркий Панжобдан то Бенгалия кўлтигигача бўлган территорияни ўз ичига олди. Марказий Хиндистоннинг князлари хам Харшага вассал карамликда эди. хаммаси бўлиб, 40 тача князь унга карам эди. Харша империяси узок умр кўрмади. Унинг хокимияти феодаллашув процессининг кучайиши, ўз вассаллари-рожалар кудратининг тобора бориши натижасида заифлашди№ бу рожалар пировардида бутунлай мустакил бўлиб, марказга итоат килмай кўйдилар. Харша вафотидан кейин унинг давлати парчаланиб кетди, узок вактгача Хиндистон чет эл боскинчиларига каршилик кўрсатолмайдиган таркок бир мамлакат бўлиб келди. Канауж шахри-хали VIII-X асрларда хам Шимолий Хиндистоннинг пойтахтлиги ахамиятини саклаб колган эди, аммо унинг махаражлари мана шу юз йилликлар давомида Хиндистонга доимий равишда хужум килиб келаётган ташки душманларнинг шимолда яшовчи турли хилдаги кабилаларнинг боскинини кайтариш ўрнига, кўпрок Хиндистоннинг ичидаги ўз ракобатчиларига карши кураш олиб бориш билан овора бўлдилар.

VI-VII асрларда Хиндистонда феодал муносабатлар янада ривожланди. Феодаллашув процессининг тезлашувида Шимолий Хиндистоннинг (Гупта подшолари давлати кулагандан кейин ва иккинчи марта Харша давлати тугагандан кейин) сиёсий жихатдан парчаланиб кетиши катта роль ўйнади, ўнлаб майда князликлар вужудга келди, бу князликларнинг князлари йирик ер эгалари эди. улар кишлок жамоаларини ўзларига бўйсундириб олиб, каттик эксплуатация килдилар. Буюк князлар-махаражлар ва вассал князлар, уларга карам князлар-рожалар бўлар эди. унисида хам бунисида хам уларга карам профессионал жангчилар бўлиб, уларга харбий хизмат ўтаганликлари учун ер участкалари инъом килинар эди. Жамна билан Гнанг дарёлари ўртасида бу хилдаги хинд рицарлари айникса кўп эди, шимолдан хужум килиб бостириб кириш хавфи бу ерда анча кучли эди. бу ерларда вужудга келган жуда кўп сонли рицарлилар табакаси ражпутлар (айнан таржимаси «шох фарзандлари») деган ном олдилар. Бориб-бориб ражпутлар кадимий харбий табака бўлган кшатрийлар билан аразлашиб кетди.

Феодаллар ер эгалигининг ривожланишида хинд ибодатхоналари анча катта роль ўйнади. Хинд кохинлари жуда катта ерларга эга эдилар, уларнинг кўллаб-кувватлашига мухтож бўлган князлар жуда кўплаб ер улашиб берганлиги учун бу ерлар кейинги юз йилликларда янада кўпайиб борди. баъзи ибодатхоналарнинг 1000, хатто 1500 кишлоги бўлар эди. Жамоачи дехконлар хосилнинг катта кисмини ибодатхоналарга тўлар эдилар

ва ибодатхона уларни суд килиш хукукига эга эди.
Хиндистонга VII асрнинг охирида Эрон ва Афгонистонни босиб олганларидан кейин, араблар Хиндистонга бевосита кўшни бўлиб колди. Бундан ташкари, Хиндистонга араблар денгиз билан, яъни Форс кўлтиги билан бориб Хинд океанидан хам хужум кила олар эди. 712 йилда Умавийларнинг саркардаларидан бири Мухаммад ибн Косим, Басрадан сузиб бориб. Хиндистондаги Синд мамлакатини босиб олди. Лекин орадан бир неча ўн йил ўтгач, араблар Хиндистондан бутунлай сикиб чикарилди. Ислом динининг таргиб килинишига хиндлар душманлик назари билан каради, чунки ислом динини улар чет эллик боскинчи ва талончилар дини деб хисоблади, хиндуизм эса ислом динига карши «миллий» дин эди.
Мусулмонлар хужуми факат XI асрнинг иккинчи ярмидагина кайтадан бошланди, бу сафарги хужум илгариги хужумдан каттик бўлди. бу хужум учун энг асосий замин тугдириб берган нарса шу бўлдики, кучли ва урушкок турк-эрон давлати-/азнавийлар давлати вужудга келган эди. (бу давлатнинг номи пойтахт бўлмиш /азна шахрининг номидан олинган эди). Султон Мухаммад /азнавий (998-1030) шаркий Эрон ва Афгонистон ерларини, 101 йиладан эътиборан эса Амударёнинг бериги томонидаги ерларни, яъни Бухорони хам ўз кўл остига киритиб олди.
Подшолик даври мобайнида у, шимолий Хиндистонга ўн етти марта юриш килди. Хиндистон шахарлари мусулмонлар томонидан нихоят даражада каттик таланди. Мухаммад /азнавий бу юришлардан шимолга ўн минглаб эркак ва аёлларни асир килиб хайдаб кетди, мамлакатни, айникса хинд ибодатхоналарини талаб, карвон-карвон олтин, кумуш, кимматбахо тошлар олиб кетди. /азна шахри мухташам бинолар билан безалди, бу биноларнинг кўпини Хиндистон устиворлари солган эди. 1030 йилда Махмуд /азнавий ўлган вактда унинг империяси амударё киргокларидан тортиб, то Ганга дарёсигача борган, бутун Хинд дарёси хавзасини хам ўз ичига олган эди. Лекин унинг пойтахти Хиндистондан ташкарида эди. Хиндистон Махмуд /азнавий учун бўйсундирилган бир вилоятгина эди. Шундай бўлса-да, Хиндистоннинг шимолига жуда кўп мусулмонлар - хуросонликлар, турк ва афгонлар бориб ўрнашди. Шимолий - Шаркий Хиндистон (хозирги Покистон) ахолисининг бир кисми ислом динини кабул килиб, бора-бора истилочилар билан аралашиб кетди.
XII аср охирларида Хиндистонга /азна истилочилари иккинчи марта хужум килди. 1175 йилга /азна хокими Мухаммад Гурий Панжобга бостириб кириб, уни эгаллагач, шаркка караб силжишни давом эттирди. 90 йилларда у Жамна билан Ганг дарёлари ўртасидаги бутун ерларни, сўнгра эса Бенгалияни босиб олди, Гурий вафотидан (1206 йилдан) кейин унинг ноиби Кутбиддин Ойбек /азнадан ажралиб чикиб, Хиндистоннинг шимолида (хозирги Хиндистон республикасининг пойтахти Дехлини марказ килиб) мустакил давлат тузди. Янги давлат пойтахт шахарнинг номи билан Дехли султонлиги деб юритиладиган бўлди.

З. Мадрахимов.